

МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИ – ФУҚАРОЛАР МАНФААТЛАРИНИ ИФОДА ЭТУВЧИ ЖАМИЯТНИНГ ЭНГ МУҲИМ БЎҒИНИ СИФАТИДА

Шерзод Толибович РАҲМОНОВ

педагогика фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

мустақил изланувчи

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

Sherzod.hamro@gmail.com

Аннотация

Мақолада позитивизмнинг илмий-назарий ва методологик асослари ҳамда уни маҳаллий вакиллик ҳоқимияти фаолиятида қўллаш имкониятлари таҳлил қилинган. Тадқиқотда объективлик, далилларга асосланган ёндашув, эмпирик маълумотлардан фойдаланиш ва тизимли таҳлилнинг аҳамияти ёритилган. Маҳаллий бошқарувда қарорлар қабул қилиш жараёнини такомиллаштиришда статистик маълумотлар, ижтимоий сўровлар ва мониторинг натижаларидан фойдаланиш зарурлиги асосланган.

Таянч сўзлар: позитивизм, маҳаллий бошқарув, вакиллик ҳоқимияти, эмпирик таҳлил, мониторинг, шаффофлик, жамоатчилик иштироки, самарадорлик.

СИСТЕМА МЕСТНЫХ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ ВЛАСТИ КАК ВАЖНЕЙШЕЕ ЗВЕНО ОБЩЕСТВА, ВЫРАЖАЮЩЕЕ ИНТЕРЕСЫ ГРАЖДАН

Шерзод Толибович РАХМОНОВ

доктор философии (PhD) по педагогическим наукам

независимый исследователь

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

Sherzod.hamro@gmail.com

Аннотация

В статье проанализированы научно-теоретические и методологические основы позитивизма, а также возможности их применения в деятельности местных представительных органов власти. В исследовании освещено значение объективности, подхода, основанного на фактах, использования эмпирических данных и системного анализа. Обоснована необходимость использования статистических данных, социологических опросов и результатов мониторинга в совершенствовании процесса принятия решений в местном управлении.

Ключевые слова: позитивизм, местное управление, представительная власть, эмпирический анализ, мониторинг, прозрачность, общественное участие, эффективность.

Вакиллик ҳокимиятини трансформациялаш жараёнларини фалсафий таҳлил қилишда позитивизм муҳим назарий асос сифатида намоён бўлади. Позитивизмнинг илмий мазмуни, аввало, жамият ва давлат ҳодисаларини эмпирик кузатиш, тажриба ва аниқ фактлар орқали ўрганиш заруриятига асосланади. Бу ёндашувга кўра, давлат бошқаруви, айниқса маҳаллий вакиллик органлари фаолияти субъектив қарашлар, анъанавий стереотиплар ёки идеологик таъсирлардан холи равишда, реал ижтимоий эҳтиёжлар ва аниқ статистик маълумотлар асосида шакллантирилиши лозим.

Позитивизмнинг классик намояндалари ҳисобланган Огюст Конт ва Герберт Спенсер [8] томонидан илгари сурилган ғоялар жамиятни “илмий бошқариш” [9] концепциясининг шаклланишига замин яратган. Ушбу ёндашув ҳозирги кунда маҳаллий вакиллик ҳокимиятини модернизация қилишда долзарб аҳамият касб этмоқда. Маҳаллий вакиллик ҳокимияти тизими жамиятнинг энг қуйи, лекин энг муҳим бўғини сифатида фуқаролар манфаатларини ифода этади. Унинг самарадорлиги эса қарор қабул қилиш жараёнида қанчалик аниқ маълумотларга таянишига бевосита боғлиқ.

Позитивизм айнан шу жиҳатга эътибор қаратади: қарорлар субъектив қарашлар асосида эмас, балки текширилган фактлар, таҳлил қилинган маълумотлар ва прогнозлар асосида қабул қилиниши лозим. Маҳаллий кенгашлар томонидан ҳудудий ривожланиш дастурларини қабул қилишда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, ишсизлик даражаси, инфратузилма имкониятлари каби кўрсаткичлар чуқур таҳлил қилиниши талаб этилади. Бу эса позитивистик ёндашувнинг амалдаги ифодасидир.

Позитивизмнинг илмий-назарий асосларидан бири детерминизм тамойили ҳисобланади. Унга кўра, ҳар қандай ижтимоий ҳодиса муайян сабаб-оқибат алоқаларига эга. Маҳаллий вакиллик ҳокимияти фаолиятида ҳам бу тамойил муҳим ўрин тутди. Агар маҳаллий бюджет самарасиз сарфланаётган бўлса, бу ҳолатнинг сабаблари аниқланиши лозим: бу – молиявий назорат механизмларининг етарли эмаслиги, кадрлар малакасининг пастлиги ёки бошқарув қарорларининг нотўғри қабул қилиниши.

Позитивистик таҳлил ана шу сабабларни аниқлаб, уларни бартараф этишга қаратилган амалий чораларни ишлаб чиқиш имконини беради. Методологик жиҳатдан позитивизм индукция ва дедукция усулларига таянади. Индукция орқали алоҳида ҳолатлардан умумий хулосалар чиқарилади, дедукция эса умумий қонунлардан хусусий ҳолатларни тушунтиришга хизмат қилади. Маҳаллий вакиллик ҳокимиятини трансформациялашда ушбу усуллар кенг қўлланилиши мумкин. Турли ҳудудлардаги маҳаллий кенгашлар фаолиятини таҳлил қилиш орқали умумий муаммолар аниқланади ва уларни ҳал этиш бўйича ягона стратегия ишлаб чиқилади. Шу билан бирга, умумий давлат сиёсати маҳаллий даражада қандай амалга ошириляётганини баҳолаш учун дедуктив таҳлил қўлланилади.

“Ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни қуйидан – фуқаролардан, жойлардаги Халқ депутатлари кенгашларидан олиш тартибини кенг жорий этиш зарур. Қонунларни қабул қилиш жараёнида уларни аҳоли ўртасида ҳар томонлама муҳокама қилиш тизимидан самарали фойдаланишимиз керак” [6;79], деб таъкидлаган Президент Ш.М.Мирзиёев.

Позитивизмнинг яна бир муҳим жиҳати – верификация принциpidир. Унга кўра, ҳар қандай назарий хулоса амалиётда тасдиқланиши лозим. Маҳаллий вакиллик ҳокимиятида қабул қилинган қарорлар ҳам амалий натижалар билан баҳоланиши керак. Аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган дастурлар ҳақиқатан ҳам ижтимоий кўрсаткичларни яхшиладимиди ёки йўқми масала аниқ статистик маълумотлар орқали текширилади. Агар натижалар кутилганидек бўлмаса, қарорлар қайта кўриб чиқилади. Бу жараён бошқарувнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик ҳокимиятини ислоҳ қилиш жараёнларида ҳам позитивистик ёндашув элементлари кузатилади. Хусусан, “Электрон ҳукумат” тизимининг жорий этилиши, очиқ маълумотлар порталларининг ишга туширилиши, жамоатчилик назорати механизмларининг кучайтирилиши қарор қабул қилишда шаффофлик ва аниқликни

таъминлашга қаратилган. Бу эса эмпирик маълумотларга асосланган бошқарув тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Позитивизмнинг феномен сифатидаги моҳияти шундаки, у ижтимоий воқеликни объектив ва илмий асосда тушунтиришга интилади. Бу эса маҳаллий вакиллик ҳокимиятини трансформациялашда субъективликни камайитириш, қарор қабул қилиш жараёнини рационаллаштириш ва самарадорликни ошириш имконини беради. Бундай ёндашув фақат назарий эмас, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. Чунки у давлат бошқарувини илмий асосда ташкил этиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли эҳтиёжларига мос сиёсат юритиш имконини яратади. Позитивизмнинг назарий асосларини чуқурроқ таҳлил қилиш унинг маҳаллий вакиллик ҳокимиятига татбиқ этиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Бу йўналишда, айниқса, ижтимоий статистика, социологик тадқиқотлар ва аналитик таҳлил усулларида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Аҳоли фикрини ўрганиш бўйича мунтазам сўровлар ўтказиш маҳаллий кенгашларга ўз фаолиятини тўғри йўналтириш имконини беради. Шунингдек, рақамли технологиялар орқали маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш қарор қабул қилиш жараёнини янада самарали қилади. Позитивистик ёндашув маҳаллий вакиллик ҳокимиятида ҳисобдорлик ва жавобгарлик механизмларини кучайтиришга ҳам хизмат қилади. Чунки ҳар бир қарор аниқ маълумотларга асосланган бўлса, унинг натижалари ҳам аниқ ўлчанади. Бу эса мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширади ва коррупция хавфини камайтиради. Шу маънода, позитивизм фақат илмий методология эмас, балки самарали бошқарувнинг муҳим шарти сифатида намоён бўлади.

Позитивизм асосларини маҳаллий вакиллик ҳокимиятига татбиқ этишда институционал ўзгаришлар муҳим ўрин тутади. Институционал ёндашувга кўра, ҳар қандай бошқарув тизими муайян қоидалар, меъёрлар ва ташкилий механизмлар орқали фаолият юритади. Агар мазкур механизмлар илмий асосланмаган ёки эскирган бўлса, уларни модернизация қилиш

зарурати юзага келади. Шу нуктаи назардан, маҳаллий вакиллик органларининг ваколатлари, функциялари ва масъулият доираси аниқ белгилаб берилиши, уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиши лозим. Бу жараёнда позитивистик ёндашув институционал ислохотларнинг илмий асосини таъминлайди. Маълумотларга асосланган бошқарув (data-driven governance) концепцияси ҳам позитивизмнинг замонавий кўринишларидан бири ҳисобланади. Бу концепцияга кўра, қарор қабул қилиш жараёнида катта ҳажмдаги маълумотлар (Big Data), аналитик воситалар ва прогнозлаш моделларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллий вакиллик ҳокимиятида буни қуйидаги мисоллар орқали кўриш мумкин: аҳолининг коммунал хизматлардан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш, транспорт инфратузилмасининг самарадорлигини баҳолаш, экологик ҳолатни мониторинг қилиш. Ушбу маълумотлар асосида қабул қилинган қарорлар анъанавий усулларга нисбатан анча самарали бўлади.

1-жадвал

Вакиллик ҳокимиятини трансформациялашда позитивизм асосларини татбиқ этиш

№	Позитивизмнинг асосий тамойили	Вакиллик ҳокимиятида анъанавий ҳолат	Трансформациялаш йўналиши	Қўтилаётган натижа
1	Далил ва эмпирик маълумотларга таяниш	Қарорлар асосан маъмурий ахборотларга таяниб қабул қилинади	Мантикий таҳлил, социологик сўровлар, статистик маълумотлар, Big Data ва мониторинг натижалари асосида қарор қабул қилиш	Илмий асосланган ва объектив қарорлар қабул қилинади
2	Объективлик тамойили	Субъектив ёндашувлар ва шахсий омиллар таъсири юқори	KPI, индикаторлар ва мезонлар асосида фаолиятни баҳолаш	Шаффоф ва адолатли бошқарув шаклланади
3	Қонуниятларни аниқлаш ва прогноз қилиш	Муаммоларга реактив ёндашув устун	Таҳлилий моделлар, прогнозлаш ва рискларни баҳолаш тизимини жорий этиш	Проактив ва стратегик бошқарув таъминланади
4	Илмий эксперимент ва инновациялар	Анъанавий бошқарув усуллари	Пилот лойиҳалар, рақамли платформалар ва инновацион бошқарув механизмларини	Самарали инновациялар амалиётга татбиқ

№	Позитивизмнинг асосий тамойили	Вакиллик ҳокимиятида анъанавий ҳолат	Трансформациялаш йўналиши	Кутилаётган натижа
		сақланиб қолади	синовдан ўтказиш	этилади
5	Тизимлилик ва функционал таҳлил	Функциялар алоҳида-алоҳида амалга оширилади	Вакиллик ҳокимиятининг назорат, бюджет, қонун ижодкорлиги ва жамоатчилик билан мулоқот функцияларини ягона тизим сифатида бошқариш	Институционал барқарорлик ва бошқарув самарадорлиги ошади

Позитивизмнинг методологик тамойиллари орасида эмпирик текширув ва объективлик принциплари алоҳида аҳамиятга эга. Эмпирик текширув орқали назарий ғоялар амалиётда синовдан ўтказилади, объективлик эса тадқиқотчи ёки қарор қабул қилувчи шахснинг субъектив қарашларини чеклашга хизмат қилади. Маҳаллий вакиллик ҳокимиятида бу тамойилларни қўллаш, айниқса, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишда муҳимдир. Жамоатчилик эшитувлари, очиқ мулоқотлар ва онлайн платформалар орқали аҳоли фикрини ўрганиш, уни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилишда инobatга олиш позитивистик ёндашувнинг амалий кўринишидир. Маҳаллий вакиллик ҳокимиятини трансформациялашда позитивизмнинг яна бир муҳим жиҳати – функционал самарадорликни оширишдир. Функционал таҳлил орқали ҳар бир органнинг вазифалари, уларнинг бажарилиш даражаси ва натижалари ўрганилади. Агар муайян функциялар самарасиз бажарилаётган бўлса, уларни қайта кўриб чиқиш ёки оптималлаштириш зарурати туғилади. Бу жараёнда статистик кўрсаткичлар, мониторинг натижалари ва таҳлил ҳисоботлари асосий манба сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон мисолида, сўнгги йилларда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, маҳаллий Кенгашлар ваколатларини кенгайтириш, депутатлик назоратини кучайтириш, аҳоли билан мулоқот механизмларини такомиллаштириш каби чора-тадбирларга позитивистик ёндашувнинг амалий ифодаси сифатида қаралиши мумкин. Бу

ислохотлар орқали қарор қабул қилиш жараёнида шаффофлик, ҳисобдорлик ва самарадорликни таъминлаш мақсад қилинган.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Депутатларимиз асосий эътиборни қонунлар сифатини оширишга қаратиши, уларнинг ижросини самарали ташкил этишда ҳукумат билан биргаликда қаттиқ ишлаши керак. Сенатнинг фаолияти эса ҳудудлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, маҳаллий кенгашларга ҳар томонлама кўмаклашиш, жойларда, айниқса, маҳаллаларда қонунларнинг ижросини таъминлашга йўналтирилиши зарур” [7;336]. Позитивизмни татбиқ этишда кадрлар масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки илмий асосланган бошқарувни амалга ошириш учун юқори малакали, аналитик фикрлай оладиган мутахассислар зарур. Маҳаллий вакиллик ҳокимияти тизимида фаолият юритувчи кадрлар статистик таҳлил, иқтисодий моделлаштириш, социологик тадқиқотлар ўтказиш каби кўникмаларга эга бўлиши керак. Бу эса таълим тизимини такомиллаштириш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларини кенгайтиришни талаб этади.

Позитивизмнинг яна бир муҳим жиҳати – прогнозлаш функциясидир. Илмий таҳлил асосида келажақда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш бошқарув самарадорлигини оширади. Аҳоли сонининг ўсиши, урбанизация жараёнлари ёки экологик муаммоларни олдиндан прогноз қилиш маҳаллий вакиллик органларига стратегик қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бу эса барқарор ривожланишни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Шу билан бирга, позитивизмни абсолютлаштириш ҳам айрим чекловларга олиб келиши мумкин. Чунки ижтимоий жараёнлар фақат рақамлар ва фактлар билан чекланиб қолмайди, балки инсон омили, маданий қадриятлар ва маънавий омиллар билан ҳам боғлиқ. Шу сабабли, маҳаллий вакиллик ҳокимиятини трансформациялашда позитивизмни бошқа фалсафий ёндашувлар – герменевтика, прагматизм, институционализм билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу эса комплекс ёндашувни таъминлаб, бошқарувнинг

самарадорлигини янада оширади. Позитивизм феномени замонавий давлат бошқаруви назариясида илмийлик, аниқлик ва тизимлилик тамойилларини мустаҳкамлайди. Ушбу ёндашув маҳаллий вакиллик ҳокимиятини трансформациялаш жараёнида стратегик аҳамиятга эга бўлиб, унинг илмий-назарий ва методологик асосларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Давлат бошқарувини модернизация қилиш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва демократик кадриятларни мустаҳкамлашда позитивизмнинг ўрни бекиёсдир.

Позитивизмни маҳаллий вакиллик ҳокимияти трансформациясида чуқур татбиқ этиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Рақамли трансформация шароитида маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имкониятлари кенгайгани сайин, қарор қабул қилиш жараёни янада илмий ва асосланган тус олмоқда. Маҳаллий даражада электрон платформалар орқали аҳоли мурожаатларини қабул қилиш, уларни тизимлаштириш ва таҳлил қилиш орқали долзарб муаммоларни аниқлаш имкони пайдо бўлмоқда. Бу эса позитивистик ёндашувнинг амалдаги энг муҳим кўринишларидан бири сифатида намоён бўлади. Рақамли маълумотлар базасини шакллантириш ва уни мунтазам янгилаб бориш маҳаллий вакиллик органлари учун стратегик аҳамиятга эга. Чунки тўлиқ ва ишончли маълумотларсиз самарали бошқарувни таъминлаш мумкин эмас. Аҳолининг даромад даражаси, таълим савияси, соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш кўрсаткичлари каби маълумотлар ҳудудий сиёсатни белгилашда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Ушбу маълумотларни таҳлил қилиш орқали ижтимоий тенгсизликни камайтириш, кам таъминланган аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Позитивизмнинг яна бир муҳим методологик жиҳати – тизимли таҳлил ҳисобланади. Тизимли ёндашувга кўра, маҳаллий вакиллик ҳокимияти бири-бири билан боғлиқ бўлган элементлардан ташкил топган мураккаб тизим сифатида қаралади. Бу тизимда ҳар бир элемент – депутатлар, ижро

органлари, жамоатчилик институтлари ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро алоқалар таҳлил қилинади. Агар тизимнинг айрим бўғинларида узилишлар ёки самарасизлик кузатилса, бу бутун тизим фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, позитивистик таҳлил орқали ушбу муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилади. Маҳаллий вакиллик ҳокимиятида қарор қабул қилиш жараёнини оптималлаштиришда моделлаштириш усуллари ҳам кенг қўлланилиши мумкин. Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни математик моделлар орқали таҳлил қилиш, турли сценарийларни таққослаш ва энг мақбул вариантни танлаш имконини беради. Маҳаллий бюджетни тақсимлашда турли харажат йўналишларининг самарадорлигини моделлаштириш орқали энг устувор соҳалар аниқланади. Бу эса ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайди.

Позитивизм асосларини татбиқ этишда мониторинг ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай ислохот ёки дастур амалга оширилгандан сўнг унинг натижаларини мунтазам баҳолаб бориш зарур. Бу жараёнда кўрсаткичлар тизими (indicator system) ишлаб чиқилиб, улар асосида самарадорлик даражаси ўлчанади.

Инфратузилмани ривожлантириш бўйича амалга оширилган лойиҳаларнинг аҳоли ҳаётига таъсири транспорт вақтининг қисқариши, хизматлар сифатининг ошиши каби кўрсаткичлар орқали баҳоланади. Позитивизмнинг амалиётда самарали татбиқ этилиши жамоатчилик иштирокини ҳам талаб этади. Чунки фақат расмий маълумотлар эмас, балки аҳолининг субъектив баҳолари ҳам муҳим ахборот манбаи ҳисобланади.

Бунда, социологик сўровлар, фокус-группалар ва жамоатчилик муҳокамалари орқали олинган маълумотлар илмий таҳлилнинг муҳим қисмига айланади. Бу эса қарор қабул қилиш жараёнида комплекс ёндашувни таъминлайди.

Маҳаллий вакиллик ҳокимиятини трансформациялашда позитивизмнинг яна бир муҳим жиҳати – шаффофлик ва очиқликни таъминлашдир. Очиқ маълумотлар сиёсати орқали аҳоли давлат органлари

фаолияти тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлади. Бу эса жамоатчилик назоратини кучайтириб, қарор қабул қилиш жараёнида масъулиятни оширади. Шаффофликнинг таъминланиши коррупция хавфини камайтиришга ҳам хизмат қилади.

Позитивизмнинг илмий-назарий асослари фақат амалдаги ҳолатни таҳлил қилиш билан чекланиб қолмай, балки янги назарий моделлар ва концепцияларни ишлаб чиқишни ҳам назарда тутди. Маҳаллий вакиллик ҳокимияти учун инновацион бошқарув моделларини яратиш, уларни синовдан ўтказиш ва самаралиларини амалиётга жорий этиш бу жараённинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу эса давлат бошқарувининг доимий ривожланишини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. Rasmiy nashr. – Toshkent: O‘zbekiston, 2023. – 80 b.
2. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги” 1993 йил 2-сентябрдаги 913-XII-сон Қонуни. WWW.Lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23-июндаги “Ўзбекистон республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-98сонли фармони. WWW.Lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11-сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” стратегиясини тўғрисида” ги ПФ 158-сонли фармони. WWW.Lex.uz
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамыз» номли Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2021 йил 7 ноябр. №231.
6. Мирзиёев Ш.М, Янги Ўзбекистон стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. –Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2023. – Б.79.

7. Мирзиёев Ш.М. 7-том. Халқчил ислохотлар халқимиз манфаатларига хизмат қилади. М 54 – Тошкент: “O`zbekiston” нашриёти, 2023. – Б.336.

8. Spencer, H. (1876–1896). The Principles of Sociology [Социология таъомйиллари]. London: Williams and Norgate.

9. Spencer, H. (1851). Social Statics [Ижтимоий статика]. London: John Chapman.